O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 29 июль, № 148 (5063) Пайшанба

## БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

## ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ БИТИРУВЧИЛАРИНИ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИГА ЖАЛБ ЭТИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

"Баркамол авлод йили" Давлат дастурига мувофиқ ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш, ёшларни, авваламбор касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Белгилансинки, микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан республиканинг касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлари ва олий таълим муассасалари битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузилганда, банд ходимларнинг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида белгиланган чекланган нормативдан кўпи билан 20 фоиз оширилган ҳолларда, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлар уларда сақланиб қолади.

Бунда ходимлар сонининг оширилишига Ўзбекистон Республикаси касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлари ва олий таълим муассасалари битирувчилариниг ўқишни якунлаган кунидан бошлаб 3 йилдан ортиқ вақт ўтмаган тақдирдагина йўл қўйилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

3. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 28 июль

## «МИКРОКРЕДИТБАНК»НИНГ НАВБАТДАГИ РЕЙТИНГ БАҲОСИ

***Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз банк-молия соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда.***

Дунёнинг нуфузли рейтинг компанияси — "Fitch Ratings" томонидан шу йил 22 июлда "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик-тижорат банкига жорий рейтинг баҳоси берилди. Унда банкнинг 2010 йилдаги фаолияти, молиявий ҳолати, яъни зиммасидаги молиявий мажбуриятларини ўз вақтида бажара олиш қобилиятига берилган узоқ муддатли "Барқарор" рейтинг баҳолари яна бир бор тасдиқланди.

Мазкур халқаро рейтинг компанияси банкнинг ўтган йилги фаолиятига ҳам узоқ ва қисқа муддатли ҳамда умумий узоқ муддатли йўналишлари бўйича "Барқарор" рейтинг баҳоларини берган эди.

Бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 майда қабул қилинган "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони асосида иш бошлаган ва бугунги кунда мамлакатимизнинг энг чекка қишлоқларига қадар кириб бориб, Инқирозга қарши чоралар дастури ижросини самарали таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва янги иш ўринлари яратиш борасида кенг кўламли ишларни амалга ошираётган мазкур банкнинг халқаро миқёсдаги эътирофидан яна бир далолатдир.

**(ЎзА).**

Сирдарё вилояти:

## ЯШАРИШ, ЯНГИЛАНИШ, ТАРАҚҚИЁТ



19 йил

***Истиқлол шарофати билан яқингача ҳам, асосан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган аграр ҳудуд — Сирдарё вилояти саноати гуркураб ривожланаётган, ўзининг юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотлари билан жаҳон бозорига дадил кириб бораётган том маънодаги индустриал воҳага айланиб бормоқда.***



Президентимиз раҳнамолиги, ҳаётимизни янада гўзал ва фаровон этиш йўлидаги улуғвор ғоялари туфайли бугун кечаги чўлқуварлар маркази — Гулистонда, Янгиер, Ширин шаҳарларида, ҳатто, вилоятнинг олис-олис қишлоқларида ҳам кўплаб замонавий корхоналар қурилди, қурилмоқда. Айни пайтда бу ерда энг илғор хорижий давлатлар компаниялари билан ҳамкорликда бир неча ўн йилларга мўлжалланган, вилоят истиқболини белгилаб берадиган йирик лойиҳалар амалга оширилаётир.

Биз қуйида вилоят саноатидаги янгиланишлар, модернизация жараёнлари ҳақида сўз юритмоқчимиз.

— Муҳтарам Президентимиз кўрсатмалари, йўл-йўриқлари асосида сўнгги йилларда вилоятимизда фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солишга, хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда янги, замонавий технологияларни олиб киришга, модернизациялаш жараёнларига алоҳида эътибор қаратмоқдамиз, — дейди вилоят иқтисодиёт Бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Абдухалил Исломов. — Шу бўйича алоҳида дастур ишлаб чиққанмиз. Соҳада олиб бораётган кенг қамровли ислоҳотларимиз мавжуд корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватини оширишга, бюджет маблағларининг кўпайишига, янги иш ўринлари барпо этилишига замин яратмоқда. Вилоятимизда бундан уч йил муқаддам саноат корхоналари сони 485 тани ташкил этган бўлса, бугунга келиб 694 та саноат корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Шулардан 37 тасини қўшма корхоналар ташкил этади. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналаримиз сони бу йил 41 тага етди. Вилоятимиз бўйича жами 66,2 миллион АҚШ доллари миқдорида экспорт амалга оширилиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 172 фоиз ўсишга эришилди. Жумладан, ҳудудий экспорт ҳажми 2,0 баробарга кўпайди.

(Давоми 2-бетда).

**СУРАТЛАРДА:** Гулистон шаҳри кўриниши; "Мос Ян Текс" қўшма корхонаси ишчиси Саодат Тожибоева.

**Қаҳрамон ҚУННОЗОВ олган суратлар.**

## МОДЕРНИЗАЦИЯНИНГ ЮКСАК САМАРАЛАРИ

### «Тўқимачи — Ангрен» электрлаштирилган темир йўл линияси фойдаланишга топширилди.

***Мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш дастури бу борадаги ишлар сифатини янада яхшилашга қаратилган. Буни "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик темир йўл компаниясининг кўп қиррали фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.***

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2009 йил 18 мартда қабул қилинган "2009 — 2013 йилларда Темир йўл соҳасини ривожлантириш ва модернизация қилишнинг комплекс дастури тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, соҳада ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва такомиллаштириш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

...Пойтахтимиздаги "Шимолий" темир йўл вокзали байрамона безатилган. Бу ерга "Тўқимачи — Ангрен" электрлаштирилган темир йўлини фойдаланишга топширишга бағишланган тантанали тадбирда иштирок этиш учун кўплаб меҳмонлар йиғилган. Темир йўлчилар ва жамоатчилик, маҳаллий ҳокимият органлари ва дипломатик корпус вакиллари йўловчи поездида "Ангрен" станцияси сари йўл олади.

Улар "Тўқимачи — Ангрен" темир йўл линияси участкасини электрлаштириш" лойиҳаси доирасида темир йўл бўйлаб барпо этилган иншоотлар билан танишди.

2002 йилда Германиянинг ривожланиш банки (KfW) ва Қувайтнинг Араб иқтисодий

**Тақдимот**

ривожланиш жамғармасининг кредит маблағлари, шунингдек, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компанияси маблағлари жалб қилинган ҳолда, "Тўқимачи — Ангрен" электрлаштирилган темир йўл линияси объектини қуриш бошланган эди. Қурилишнинг умумий қиймати 85,4 миллион АҚШ долларини ташкил қилади. Лойиҳадан кўзланган мақсад ушбу участкада мавжуд дизель ёнилғисида ҳаракатланадиган локомотивларни ўзгарувчан токда ишлайдиган электр локомотивларга алмаштиришдан иборатдир. Бу Тошкент ҳудудидаги барча темир йўл линияларини электр локомотивларга ўтказиш ишларининг якуни ҳисобланади. Эндиликда мазкур линия бўйлаб дизель локомотивлар ўрнига замонавий электровозлар чиқади. "Ўзбекистон темир йўллари" компанияси шу мақсадда 13 та энг янги тезюрар поезд — экспресс сотиб олди.

Лойиҳани амалга оширишда "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик темир йўл компаниясининг электр таъминот маркази, Тошкент электр таъминот дистанцияси, сигнализация ва алоқа маркази, йўл хўжалиги бошқармаси, Тошкент йўл дистанцияси каби бўлинмалари катта ҳисса қўшди. Участка бўйлаб энг янги технологиялар — SKADA масофадан туриб бошқариш, алоқа тармоқлари, тортиш кичик станциялари, микропроцессорли марказлаштириш, электрон ҳисоблаш ва телекоммуникациялар тизимлари жорий этилди. Электр таъминот тизими соатига 160 километр тезлик билан юрадиган поездлар ҳаракати ҳисобга олинган ҳолда барпо этилди.

(Давоми 2-бетда).

**Анжуман**

***Кеча Тошкентда "Давлат — хусусий сектор ҳамкорлиги: инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишнинг янги имкониятлари" мавзуида семинар иш бошлади.***

## Фаровонликка хизмат қилаётган инфратузилма

У БМТ Тараққиёт дастурининг "Ўзбекистон бизнес форуми" лойиҳаси доирасида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда БМТ қошидаги Европа Иқтисодий комиссияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Таъкидландики, ҳар қандай давлатнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишида замонавий инфратузилманинг аҳамияти беқиёс. Шу боис мамлакатимизда бу соҳани сифат жиҳатдан яхшилашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Натижада истиқлол йилларида замонавий йўл-транспорт ва ҳаво алоқалари тизими вужудга келди, энергетика тармоғида жадал ривожланиш жараёни кечмоқда, шунингдек, янги турар-жойлар ва инфратузилма объектларини барпо этиш ишлари ҳажми тобора ортиб бораётир. Жорий йилнинг биринчи ярмида 4417,5 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилгани, 544,6 километр газ ва 1375 километрлик сув қувурлари тортилгани, узунлиги 170 километрдан ортиқ электр узатиш линияси барпо этилгани бунинг яққол далилидир.

(Давоми 2-бетда).



## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ



Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***АНДИЖОН. Иккиламчи металлар бебаҳо бойлик ҳисобланади. Улар қайта ишланиб, халқ хўжалигининг барча соҳалари учун зарур бўлган маҳсулотлар, бутловчи қисмлар, халқ истеъмоли буюмлари тайёрланади.***

### Замонавий технология — ривожланиш омили

Буни Андижон туманида янги ташкил этилган "Окёр XXI" масъулияти чекланган жамияти мисолида яққол кўриш мумкин.

Ушбу корхонага энг замонавий махсус дастгоҳлар келтириб ўрнатилгач, металл, чўян, пўлат эритиш ўзлаштирилди. Эътиборлиси, бу ерда ҳозир буюртма асосида маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Туманда юқоридаги каби корхоналар, микрофирмаларни ташкил этиш ҳисобига бир йилда 368 та янги иш ўрни яратилди.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

***ХОРАЗМ.*** *"Боғот-текстиль" Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси мамлакатимиздаги қулай инвестиция муҳити туфайли йилдан-йилга янги технологиялар билан жиҳозланмоқда.*

### Экспорт ҳажми ортмоқда

Гап шундаки, яқинда корхонага 719 минг АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция туфайли янги ип йигирув дастгоҳлари келтириб ўрнатилди. Натижада корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати янада ортди. Бу ерда ўтган йили 2 минг тоннага яқин калава ип тайёрланган бўлса, бу йил корхона жамоаси 3 минг 250 тонна маҳсулот тайёрлаш мажбуриятини олганлар. Экспорт ҳажми эса 5 млн. 140 минг АҚШ доллари миқдорида бўлиши кутилмоқда. Бу хорижий ҳамкорларга ўтган йилдагига нисбатан 137 фоиз кўп маҳсулот етказиб берилади, деганидир.

**Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

***ҚАШҚАДАРЁ. Қарши шаҳрида шаҳар ҳокимлиги, прокуратураси, "Маҳалла" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида "Бўш иш ўринлари" ярмаркаси ташкил этилди.***

### Аҳоли бандлиги — устувор вазифа

Меҳнат ярмаркасида Қарши шаҳрида фаолият юритувчи 70 дан ортиқ корхона ва ташкилот 900 га яқин иш ўрни билан қатнашди. Ярмарка давомида мурожаат қилган 380 нафар фуқаронинг 202 нафари ишга жойлаштирилди. Уларнинг аксарияти шу йили академик лицей ва коллежларни битирган ёшлардир.

**Фахриддин БОЗОРОВ.**

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

***2010 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши***

**11,8 фоизни ташкил қилди.**

## ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР МЕВАСИ

Юртимиз аҳолисини арзон баҳода ва узлуксиз равишда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, ички истеъмол бозорини янада тўлдириш бўйича изчил ислоҳотлар амалга оширилаётгани, айниқса, товар ишлаб чиқарувчиларга қулай шароит яратилаётгани, иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилаётган кредит линиялари ўсиши туфайли ана шундай ижобий натижа қўлга киритилди.



Сирдарё вилояти:

# ЯШАРИШ, ЯНГИЛАНИШ, ТАРАҚҚИЁТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш, янги технологияларни жалб қилиш ва модернизация натижасида саноат маҳсулотлари ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 10 фоизга, халқ истеъмоли моллари ҳажми 2,2 фоизга кўпайди. Шу ўринда вилоятимиздаги “Сарруна текстайлс”, “Мили Гулистон Текстиль”, “Нафис Либос” сингари ўнлаб қўшма корхоналаримиздаги янгиланиш жараёнларини алоҳида тилга олиб ўтишни истардим...

Гулистон шаҳридаги “Мили Гулистон Текстиль” қўшма корхонасида юзга яқин маҳаллий ёшлар меҳнат қилмоқда, корхона йилига 1000 тонна йигирилган калава ип ишлаб чиқариш қувватига эга.

— Ишламай ётган “Лаззат” корхонасини реконструкция қилиб, Буюк Британия билан ҳамкорликда 1,5 миллион долларлик янги, замонавий технологияларни олиб келиб ўрнатдик, — дейди қўшма корхона раҳбари Шавкат Жалилов. — 10 та “СХФ 16,36” русумли замонавий дастгоҳлар ипни йигириш билан бирга ўраб ҳам беради. Ҳар бир дастгоҳга чанг тозаловчи фильтрлар ўрнатилган. Кунига 4,5-5 минг тонна йигирилган ип ишлаб чиқараяпмиз. Маҳсулотимизни 100 фоиз хорижга — Польша, Украина, Россия каби давлатларга экспорт қилаяпмиз. 2009 йилда 1,6 миллион долларлик маҳсулотимизни четга сотган бўлсак, жорий йилнинг олти ойи мобайнида 1 миллион долларлик маҳсулотимизни экспорт қилишга эришдик.

Корхонанинг иккинчи навбати қурилиши ҳам ниҳоясига етиб қолаёзди.

— Корхонамизнинг бу қисмига “Асакабанк” томонидан 3 миллион, хорижий инвесторлар томонидан 5 миллион — жами 8 миллион АҚШ доллари ҳажмида сармоя киритилган. Бугунгача 5 миллион долларлик иш бажарилди. Янги корхонамизга 44 та “ДТМ 129” русумли замонавий технологияни олиб келиб ўрнатиб, шу йилнинг охиригача ишга тушириш ниятимиз бор, — дейди Шавкат Суръатович.

— Янги линияни аввалгисидан фарқли томонлари борми? — қизиқамиз.

— Афзалликлари кўп, — дейди корхона бош технологи Раҳимжон Мўминов. — Янги линия ишга тушиши билан корхонамиз қуввати икки ҳиссага ошади. Сўнгги русумдаги дастгоҳлар калава ипни янада ингичка чиқаради. Бу дегани маҳсулотимиз янада сифатли, қимматли, харидоргир бўлади. Ҳозирги чиқараётган ипларимиздан, асосан, дағал матолар тўқилса, янги линиядан чиққанидан тоза, кўйлаклик матолар тўқиш имкони пайдо бўлади. Энг муҳими, корхонамизда яна қўшимча 300 та янги иш ўрни яратилади.

Президентимизнинг “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига асосан, Гулистон шаҳридаги яна бир корхона — банкрот, деб эълон қилинган “Лола модель” қўшма корхонаси “Асака” банк ҳисобига олиниб, “Нафис либос” шўъба корхонаси сифатида янгидан фаолиятини бошлади. “Асака” банки билан Туркиянинг “Байтекс тижорат” хорижий корхонаси ўртасидаги шартномага мувофиқ, эски бино тўлиқ реконструкциядан чиқарилиб, хориждан 439 та тикув машинаси олиб келиб ўрнатилди. Шу тариқа корхонада аввалдан мавжуд 250 та тикув машинаси ҳам ҳисобга олинганда 700 та иш ўрни яратилди. Қўшма корхона қуввати ошиб кунига 7800 дона болалар трикотаж кийим-кечаклари ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлди.

— Корхонамизда, асосан, Гулистон шаҳри, ён-атроф туманлардан касб-ҳунар коллежларини битириб келган қизлар ишлайди, — дейди ишлаб чиқариш устаси Озода Қўлдошева. — Қизларнинг ишдан бўш пайтларда дам олиб, ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароит яратилган. 450 ўринли ошхона ишчиларга хизмат кўрсатади. Тикув цехимиз қошида янги келган 110 нафар ёш қизга замонавий тикув машиналари, дазмоллаш ва бошқа ускуналардан фойдаланиш сирларини ўргатиш, малака-маҳоратларини ошириш мақсадида ўқув машғулотлари ташкил этилган.

Айни пайтда хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда корхонанинг иккинчи навбатини ишга тушириш, яна 500 та замонавий тикув машинаси олиб келиб ўрнатиш юзасидан изланишлар давом этмоқда. Йил охирига бориб, корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 ҳиссага ошади. Яна қўшимча равишда 800 нафар қиз ўз иш жойига эга бўлади.

Янгиердаги “Мос Ян Текс” қўшма корхонаси маҳаллий тадбиркорлар томонидан 2004 йилда ташкил этилганди. Бугунда корхонада ишлаб чиқарилаётган болалар ва катталарга мўлжалланган трикотаж кийим-кечакларига ички бозорда ҳам, ташқи бозорда ҳам эҳтиёж катта. Корхона қувватини ошириш, маҳсулот сифатини янада яхшилаш мақсадида янги технологияларни олиб келиб ўрнатишга алоҳида эътибор берилди. 2006 йилда Хитойдан 19 та “VANATA”, 2009 йилда 49 та “SJ” русумли замонавий тикув машиналари ўрнатилиши эвазига корхонада ойига 50 минг дона трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарила бошланди. Бугунга келиб эса корхона йилига 1,5 миллион дона, яъни 3 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга.

Корхонада ишлаб чиқариш қуввати ошиши билан асосий манба — хом ашёга бўлган талаб ҳам ошиши, табиий. Хом ашё-трикотаж матолар эса мамлакатимизнинг олис ҳудудларидан қанчадан-қанча харажат ҳисобига ташиб келинади. Бу эса, ўз навбатида, маҳсулот таннархининг ошишига олиб келади. Хўш, нима қилмоқ керак?



Шу тариқа Янгиернинг ўзида чет эллик инвесторлар иштирокида “Кармента Ян Текс” қўшма корхонасини очишга қарор қилинди. Хориждан тўқиш, бўяш линиялари олиб келиб ўрнатилди. Тайёр ипдан трикотаж матолари тўқиб, ҳар хил рангга бўяб бериш имкониятига эга корхона эндиликда ўз “акаси” — “Мос Ян Текс”га тайёр сифатли хом ашё етказиб бериш билан бирга, ишлаб чиқарган маҳсулотларининг бир қисмини хорижга экспорт ҳам қилмоқда.

— Ўтган йилнинг ўзида 2 миллиард 159 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, 1 миллиард 771 миллион сўмлигини ички бозорда сотган бўлсак, 388 миллион сўмлигини экспорт қилдик, — дейди корхона раҳбарининг ўринбосари Зикрилла Абдувоҳидов.

— “Кармента Ян Текс”нинг ишга тушиши узоғимизни яқин, мушкулимизни осон қилди, — дея хурсанд бўлади “Мос Ян Текс” тикувчилик цехи бошлиғи Юлдузхон Ҳайдарова.

Бугун Сирдарёнинг қишлоқларида ҳам янги-янги корхоналар бунёд этилмоқда. Боёвут туманидаги Деҳқонобод қишлоғида ташкил этилган “Хоразм маликаси” қўшма корхонасида 60 нафардан зиёд қишлоқ қизлари меҳнат қилмоқда. Туркиядан олиб келиб ўрнатилган “Камакс” дастгоҳларида тўқилган, деҳқонободлик қизлар қўлидан чиққан гиламлар ўзининг кўркам ва бежиримлиги билан аллақачон харидорларини топиб олди.

— Мавжуд 10 та дастгоҳда кунига 20 та гилам тўқияпмиз, — дейди тўқувчи қизлардан бири Мақсуда Ғофурова.

— Гиламларимиз дўконларда қолмаяпти, — дейди яна бир гиламчи қиз Раъно Бобоева. — Ҳатто, тўй қилаётганлар, қиз узатиб, келин олаётган ҳамқишлоқларимиз корхонамизга буюртма беришяпти. Эндиликда гиламларимизни харидорлар талаби асосида, улар хоҳлаган рангда, улар истаган ўлчамда тўқиб беряпмиз.

Вилоятнинг Сайхунобод, Сирдарё, Ховос ва бошқа бир қатор туманларидаги саноат корхоналарида янги технологияларни олиб кириш, модернизация жараёнлари жадал бормоқда.

— 2009 — 2012 йилларда вилоятимиз саноат салоҳиятини ошириш, истиқболсиз корхоналарни таркибий ўзгартириш, молиявий соғломлаштириш ёхуд тугатиш Дастури ишлаб чиқилган бўлиб, бу дастуримиз Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган, — дейди Абдухалил Сувонович. — Дастурга жами 142 та лойиҳа киритилган бўлиб, умумий қиймати 110,4 миллиард сўмни ташкил этади. Дастурга, шунингдек, хорижий сармоя иштирокида маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни кенгайтириш ва янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш бўйича умумий қиймати 58,4 миллион АҚШ долларига тенг 16 та лойиҳани ҳам киритганмиз. Дастурда асосий эътибор маҳаллий хом ашёларни қайта ишлаш ҳисобига тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, енгил саноатни ривожлантиришга қаратилган.

Шунга асосан 70 та корхонани модернизация қилиш ва қайта жиҳозлаш, 52 та ноозиқ-овқат ҳамда 72 та озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар ташкил этиш режалаштирилган. Бу лойиҳаларни амалга оширишга 11,2 миллиард сўм миқдоридаги маблағ жалб этилиб, нон, макарон, қандолат, сут, гўшт, колбаса, балиқ, мева-сабзавот, маъданли сув ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга эришилади.

Шунингдек, вилоятда 20 та қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган янги корхоналар ташкил этилиб, ғишт, брусчатка, пойдевор блоклари, черепица, ДСП, алюмин эшик ва дераза ромлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш учун 25,3 миллиард сўм миқдоридаги маблағ жалб этилади.

Бундан ташқари, жорий йилда нафақат вилоятимизда, балки республикамизда ҳам йирик бўлган лойиҳа қуввати 700 минг жуфт эркаклар, аёллар ва болалар пойабзаллари ҳамда 4 миллион квадрат метр керамика плитаси ишлаб чиқарадиган “Пен Шенг” Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси ҳамда 48 минг тонна офис қоғози ва гипсокартон ишлаб чиқарадиган “Асл қоғоз” қўшма корхонаси ҳам ишга туширилади...

Жорий йилнинг ўзида 60 та лойиҳа амалиётга жорий этилиши белгиланган бўлиб, ўтган давр мобайнида 31 лойиҳа амалга оширилди.

Сирдарё вилояти саноат корхоналаридаги бу янгиланишлар, модернизация жараёнлари мазмун-моҳияти билан жонажон Ватанимизга, унда азизу мукаррам саналган инсон ва унинг манфаатларига қаратилган. Бугунги кенг қамровли ислоҳотлар корхоналар ишлаб чиқариш қуввати ошишига, меҳнат аҳли реал даромадларининг ўсишига, янги иш ўринлари яратилишига, пировард натижада эса ҳур ва озод юрт ободлиги ҳамда халқимиз турмуш фаровонлигига хизмат қилади.

**Шомурод ХОЛМУРОДОВ,**
**Али ЗИЁДОВ.**

# ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК НАМУНАСИ

***Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидаёноқ ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол этиб тарбиялаш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Барча саъй-ҳаракатлар, интилишлар, ўзгариш ва янгиланиш жараёнлари ана шу эзгу мақсадга йўналтирилди. Зотан, Президентимиз қайд этганидек, олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз — мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистон XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам — буларнинг барча-барчаси, аввалambор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир.***

Юртбошимизнинг ушбу дастуриламал сўзларидан келиб чиқиб, бугун мамлакатимизда ёш авлоднинг таълим-тарбияси, маънавий камолоти билан боғлиқ ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ёшлар тарбияси, келажаги, ҳақ-ҳуқуқлари, аввало, Конституциямизда қайд этилиб, “Таълим тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги каби қатор қонунлар, Кадрлар тайёрлаш миллий, Ёшларнинг ҳуқуқий таълимини такомиллаштириш комплекс, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурлари, шу билан бирга, “Соғлом авлод йили”, “Ёшлар йили” ва ниҳоят, “Баркамол авлод йили” Давлат дастурларида ўзининг ёрқин ифодасини топди.

**Мушоҳада**

Мазкур ҳужжатларда, айтиш жоизки, ёшлар ҳақ-ҳуқуқлари, таълим-тарбияси, ўқиш, иш ва яшаш шароитлари, уларнинг комил инсон бўлиб етишлари йўлида қилинадиган ғамхўрлик, бериладиган имтиёз ҳамда рағбатлар кўлами ҳам тўла-тўкис қамраб олинди. Бу бежиз эмас. Чунки давлатимиз томонидан ёш авлодга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилиши, аввало, уларнинг шу юртга муносиб фарзанд бўлишларига замин яратади. Давлатимиз раҳбари “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” асарида масаланинг ана шу жиҳатига эътибор қаратади: “Ҳар бир инсоннинг, айниқса, эндигина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарса уларнинг собитқадам ғайрат-шижоатига, тўла-тўкис фидокорлигига ва чексиз меҳнатсеварлигига боғлиқ эканлигини англаб етишлари керак. Худди шу нарса давлатимиз ва халқимиз равнақ топишининг асосий шартидир”.

Дарҳақиқат, бу йўлда ўтган салкам ўн тўққиз йил ичида мамлакатимиз раҳбарияти ва ҳукумати томонидан жуда кўп саъй-ҳаракатлар, амалий ишлар олиб борилди. Хусусан, ёш авлоднинг замонавий таълим-тарбия олиши, уларнинг ҳар томонлама камол топиши учун том маънодаги тўкис шароитлар яратилишига жиддий эътибор берилди. Бугун таълим тизимини жамиятимиз олдида турган улуғвор вазифалар ижросига мос ҳолда бутунлай янгилаш, таълимнинг куч-қудратини мустақил демократик тараққиётимиз учун келгусида мустаҳкам суянч бўладиган ёшлар манфаатларига хизмат қилдиришга қаратилган дастурлар мажмуаси ишлаб чиқилгани ва у бугунги кунда изчил ҳамда самарали амалга ошириб келинаётгани, шубҳасиз, залворли моҳият касб этмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатларнинг самараси ўлароқ, 1997 йилнинг 29 августида Олий Мажлиснинг IX сессиясида “Таълим тўғрисида”ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, кейинчалик уларнинг мантиқий давоми бўлган Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий Давлат дастури қабул қилиниши ва амалиётга татбиқ этилиши нафақат ёшларимиз, балки бутун жамиятимизнинг маънавий-маърифий даражаси, онгу тафаккурини янги босқичга кўтаришда беқиёс омил бўлди.

Шу нуқтаи назардан, ҳозирда юртимизда “Баркамол авлод йили” Давлат дастурида белгилаб берилган устувор вазифаларнинг ижросига алоҳида эътибор қаратилаётир. Бунинг натижасида эса мамлакатимиз йигит-қизларининг ҳар томонлама комил, ўз истеъдод ва қобилияти, билим ва куч-ғайратини намоён этиши, бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучига айланиши учун янги-янги имкониятлар эшиги очилмоқда. Бунга барчамиз кундалик ҳаётдаги янгиликлар, ўзгаришлар, имкониятлар, имтиёзлар ва турли кўринишдаги рағбатлар мисолида гувоҳ бўлиб келаяпмиз. Хусусан, шу йил май ойи охирида Андижонда бўлиб ўтган “Универсиада — 2010” спорт ўйинларини олайлик. Айтиш жоизки, ушбу спорт мусобақаси олдимизга қўйилган энг юксак мақсад рўёбида жисмоний баркамол, замонавий билим ва тараққиёт ютуқларини эгаллаган, иродаси бақувват, маънавий етук куч — ёшлар бизнинг келажагимиз эканлигини яна бир карра исботлади. Шу маънода, уч босқичли тизимга асосланган “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада спорт ўйинлари ҳам эртамиз эгалари онгига соғлом турмуш тарзини сингдиришда, уларни Ватанни асраб-авайлайдиган, қудратига қудрат қўшадиган, халқаро майдонларда обрўйини янада оширадиган фидойи инсонлар этиб тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг узвий давоми бўлган ушбу мусобақалар бугунги кунда ажойиб анъанага, таъбир жоиз бўлса, қудратли тўлқинга айландики, халқимизнинг кексаю ёш, барча фуқароси, айниқса, ёшлар ушбу спорт мусобақаларини йил сайин орзиқиб кутадиган бўлдилар. Эндиликда бу ноёб тизим мамлакатимизнинг миллион-миллион фарзандларини қамраб олиб, чин маънода, чиниқиш ва камолот мактабига айланди.

Мухтасар айтганда, мамлакатимиз тараққиёти, унинг янада гуллаб-яшнаши ёшларнинг интилишларига бевосита боғлиқ. Айни шу омиллар келажакда давлат ва жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини белгилаб беришда муҳим аҳамият касб этади.

Зеро, бугун юртимизда ўзларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан баҳраманд бўлиб, аждодларига ҳурмат, она-Ватанга садоқат руҳида униб-ўсиб, камол топаётган фарзандларимиз эртага миллатимиз довруғини кўкларга кўтариши айни ҳақиқатдир.

**Собир ТУРСУНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу билан бирга, хизматлар кўлами кенгайиб, аҳолига пуллик хизмат кўрсатишда 12 фоиз ўсишга эришилди. Бунда хусусий секторнинг улуши салмоқли эканлиги, айниқса, қувонарлидир.

## Фаровонликка хизмат қилаётган инфратузилма

Халқаро экспертларнинг эътироф этишича, мамлакатимизда қўлга киритилаётган ушбу муваффақиятлар замирида соҳада давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигининг мустаҳкам асоси яратилгани муҳим омил бўлаётир.

Семинардан кўзланган мақсад, соҳа ходимларининг билим ва кўникмаларини ошириш асносида ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга кўтаришга хизмат қиладиган ижтимоий лойиҳалар ишлаб чиқишга кўмаклашишдан иборатдир. Шу маънода, семинарнинг биринчи иш кунида “Ўзкоммунхизмат” агентлиги, “Ўзавтойўл” давлат акциядорлик компанияси ва “Махсустранс” ишлаб чиқариш бирлашмаси сингари соҳага ихтисослашган ташкилотларнинг тақдимоти ўтказилгани айни муддао бўлди.

Тадбир иштирокчилари томонидан коммунал хўжалиги, йўл қурилиши, чиқиндиларни қайта ишлаш тармоқларидаги бугунги ҳолат кўриб чиқилиб, ривожланиш истиқболлари муҳокама қилинди. Шунингдек, улар ушбу жараёнда давлат — хусусий сектор ҳамкорлиги механизми доирасида амалга ошириладиган лойиҳаларни ишлаб чиқиш, баҳолаш, жорий этиш ва мониторинг қилишнинг замонавий усуллари билан танишдилар.

**С. РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# МОДЕРНИЗАЦИЯНИНГ ЮКСАК САМАРАЛАРИ

**«Тўқимачи — Ангрен» электрлаштирилган темир йўл линияси фойдаланишга топширилди.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қурилиш давомида умумий узунлиги 265 метрлик учта кўприк, поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлайдиган, замонавий ускуналар ва назорат аппаратураси билан жиҳозланган кичик электр станциялар, навбатчи пунктлар ҳамда марказлаштирилган электр постлари учун 2258 электр тиркагич, 6 бино ва иншоот барпо этилди. Барча қурилиш-монтаж ишлари белгиланган муддатда тўлиқ якунланди.

Натижада Тошкент ҳудудий темир йўл узелининг 114 километр узунликдаги қолган ягона участкаси ҳам электрлаштирилди. Мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши эксплуатация харажатларини 1,8 баравар камайтириш, ҳудудда экологик аҳволни яхшилаш ва қўшимча 50 иш ўрни яратиш имконини беради. Янги электрлаштирилган участка йўлнинг ўтказувчанлик қобилиятини ошириш, юк ва йўловчиларни ташиш вақтини қисқартириш, компанияда дизель ёнилғиси сарфини камайтиришга ёрдам беради.

...Поезд “Ангрен” станциясига етиб келди. Бу ерда ҳозир бўлганлар меҳмонларни карнай-сурнай садолари, гуллар билан кутиб олди. Станция реконструкция қилингандан сўнг бутунлай янги қиёфа касб этди. Бу ерда йўловчилар учун барча қулайликлар яратилган. Меҳмонлар станцияни кўздан кечиргач, тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

“Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акциядорлик темир йўл компанияси бошқаруви раиси О. Раматов компания эришаётган ютуқлар Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакатимиз темир йўл транспорт тизимини ривожлантиришга қаратаётган доимий эътибори самараси эканлигини алоҳида таъкидлади. Истиқлол йилларида компания жадал ривожланди. Янги темир йўл линияларини қуриш, йўл участкаларини электрлаштириш, ҳаракат таркибини модернизация қилиш, тезкор транспорт телекоммуникацияларини ташкил этиш компаниянинг келгусидаги фаолиятида ҳам устувор йўналишлар бўлиб қолади.

Президентимизнинг Фармонига мувофиқ, 1994 йилда ташкил этилган “Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акциядорлик темир йўл компанияси мамлакатимизнинг асосий транспорт бўғини сифатида иқтисодиётимизни ягона тизимга бирлаштириш йўлида хизмат қилмоқда. Мамлакатимиз темир йўллари тармоғининг умумий узунлиги 6020 километрдан ошади, жумладан, умумфойдаланиладиган йўллар узунлиги 4230 километрни ташкил қилади. Юк ва йўловчи ташиш ҳажми йил сайин ортиб бораётир ва бу мамлакатимиз темир йўл тармоғини комплекс ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда темир йўл компанияси юк ва йўловчи ташиш вагонлари ҳамда локомотивларни таъмирлаш бўйича замонавий базага,



кенг тармоқли инфратузилмага эга. Халқаро молия институтларининг темир йўл тармоғи фаолиятини янада такомиллаштиришга йўналтираётган маблағларини жалб қилган ҳолда, босқичма-босқич йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳа ҳам бунга ёрқин мисол бўла олади.

Тантанали маросимда қурилиш, жамоат ташкилотлари, дипломатик корпус вакиллари, соҳа фахрийлари сўзга чиқиб, барчани ушбу муҳим воқеа муносабати билан табриклади.

Ўзбекистон санъат усталари иштирокида концерт намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Хўжаев иштирок этди.

**Виктор НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# МАҲАЛЛАМ — ГУЛШАНИМ МЕНИНГ

***Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қўшма мажлисидаги маърузасида маҳаллани аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш борасида бошланган ижобий ишларни изчил давом эттириш ва янги босқичга кўтариш даркорлиги алоҳида таъкидланган эди.***

Маҳалла — киндик қонинг тўкилган муқаддас гўша. Жондан азиз маскан. Аждодларнинг хоки пойидан мунавварлашиб турган, фарзандлар иқболига пойдевор бўлган замин. Унинг ободлиги ва серфайзлиги йўлида қанча меҳнат қилсанг, шунча оз.

“Шўрчидонмахсулотлари” ҳиссадорлик жамияти хорижнинг 192 миллион сўмлик замонавий технологиясини харид қилиб корхона жойлашган Бобур маҳалласида қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш линиясини ишга туширганди. Бу ерда бир йил давомида қувватларнинг икки баробар оширилиши эвазига маҳсулотлар тури йигирматага етказилиб, маҳалланинг йигирмадан зиёд ёшлари иш билан таъминланди.

Термиз шаҳрилик тадбиркор Ҳайитали Алламуродов эса маҳалласида қурган савдо уйини истиқлолимизнинг 19 йиллигига совға, дея баҳолади. Бу мўъжаз масканга ишга қабул қилинган юз нафар ишчи-хизматчининг ҳаммаси — ёшлар. Алламуродов бошлиқ “Эверест” фирмаси аҳолини газ билан таъминлайди. Эҳтиёжманд хонадонларга кўмагини аямайди.

Қумқўрғон туманидаги Тўхтамиш Муқимов номидаги маҳаллада истиқомат қилувчи Юсуф Йўлдошевнинг оилавий бизнеси чорвачиликка йўналтирилган. Тадбиркор қўрасида бирваракайига 200 та новвос боқади. Новвосларини обдан семиртириб бозорга чиқаради. Юсуфдан ибрат олиб, маҳалладошлари ҳам чорвага қизиқдилар. Ўттиз-элликталаб мол боқадиган, меҳнатлари эвазига дангиллама уйлар қуриб, ўғил-қизларини ўқитадиган бўлдилар.

Шу тумандаги Янги ер қишлоғига бу йил шаҳарча мақоми берилди. Шаҳарча фуқаролар йиғини фаоллари билан суҳбатлашсангиз ютуқлардан кўра, кўпроқ белгиланган вазифалардан, шаҳарчаларини ростмана шаҳарга айлантириш режаларидан сўз очишади: кўчаларга тунги чироқлар ўрнатиш, бозорни реконструкция қилиш, ҳаммом қуриш, табиий газ таъминотини яхшилаш, истироҳат боғини ободонлаштириш, уй меҳнатини ташкил этиб, шу йилнинг ўзида ёшлар учун 200 та меҳнат дафтарчаларини очиш...

**Жараён**

Шеробод туманидаги Сеплон, Термиздаги Лимонзор, Жарқўрғондаги Оқтепа маҳаллалари аҳлининг бу йилги кайфияти эса янаам кўтаринки. Боиси, Президентимизнинг “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида бу қишлоқларда шинам, кўркам ва энг муҳими, шаҳардагидан қолишмайдиган қулайликларга эга бўлган уйлар қурилди. Айниқса, Оқтепа маҳалласининг қиёфаси очилиб кетди — янги кўрғон, замонавий спорт коллежи. ...Илғор тиббий асбоб-ускуналару малакали шифокорлар билан таъминланган қишлоқ врачлик пунктини айтмайсизми! Қишлоқ тадбиркори Эшбой Жабборов бунга қўшимча қилиб гузар қурди. Минибанк, ҳаммом, болалар спорт майдончаси барпо этилди. Оқтепаликлар ичимлик сувини узоқдан таширдилар. Янги уй-жойларнинг шарофати билан бу муаммо ҳам ўз ечимини топди: артезиан қудуғи қазилиб, сув таъминоти тизими яратилди. Бундан ҳам қувончлиси, 15 километрлик юқори газ босимли қувури тортилди.

— Уй-жой қурувчи пудратчиларга солиқ тўлаш бўйича яратилган имтиёзлар, уларга қурилиш ашёларининг қулай нархларда етказиб берилиши туфайли қурилаётган уйлар ҳам бирмунча арзонлашди, — дейди “Қишлоқ қурилиш банк”нинг Жарқўрғон филиали бошқарувчиси Азамат Алланазаров. — Тез орада “Қишлоққурилишинвест инжиниринг” компанияси вилоят филиалининг Музработда қурилган ғишт заводи ишга тушади. Келгусида эса вилоятда цемент ҳамда бошқа қурилиш ашёларини ҳам тайёрлаш йўлга қўйилади. Бу эса қишлоқларимизнинг янада обод бўлишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Айни пайтда воҳанинг 17 та массивида 660 та уй-жой қурилиши давом этмоқда. Аксарият пудратчилар уйларни эгаларига истиқлол байрамига совға сифатида топшириш тараддудидалар. Демак, тўйлар тўйларга уланиб бораверади. Хонадонини, маҳалласини, юртини жаннатмонанд гулшанга айлантираётган элнинг кўнгли ҳам тобора равшан тортиб, эзгу марралар сари дадил одим ташлайверади.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Мамлакатимизда банк тизимида изчил ислоҳотларнинг амалга оширилиши натижасида молия муассасалари ўз салоҳиятини ҳар томонлама мустаҳкамлаб бораяпти. Бу борада ЎзМиллийбанкнинг Самарқанд вилояти бўлими фаолияти ҳақида ҳам айнан шундай илиқ фикрларни айтиш мумкин. Банк томонидан бугунги кунда 192748 та мижозга хизмат кўрсатиб келинаяпти. Уларнинг 6347 таси юридик, 186401 таси эса жисмоний шахслардир.***

# БАРҚАРОРЛИК КАФОЛАТИ

**Молия муассасаларида**

— 2010 йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида қисқа муддатли кредитлар миқдори 16,2 млрд. сўмни, узоқ муддатли кредитлар эса 37,3 млрд. сўмни ташкил этди, — дейди банк Бошқарувчиси ўринбосари Отабек Тўхтаев. – Умумий кредит қўйилмаларидан асосий маблағ саноат, қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлови, савдо ва умумий овқатланиш, қурилиш соҳаларига ажратилди. Жисмоний шахсларга эса 7 млрд. сўм миқдорида ипотека ва истеъмол, чорва моллари ва овердрафт кредитлари берилди.

2010 йил 1 январига нисбатан банк бўлимининг кредит қўйилмалари 13,8 млрд. сўмга ёки 25,8 фоизга ошди. 2009 йил 1 июль ҳолатида банкнинг кредит қўйилмалари 40,9 млрд. сўмни ташкил қилган эди. 2010 йил 1 июлига келиб эса банкнинг кредит қўйилмалари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 12,6 млрд. сўмга кўпайиб 53.5 млрд. сўмни ташкил қилмоқда. Бу бир йилда 130,8 фоиз ўсишга эришилди, демакдир.

### Кредитлар тараққиётга хизмат қилади

Кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида банк бўлими барча маблағлар ҳисобидан ўтган ярим йил давомида жами 26,6 млрд. сўмлик кредитлар берилди. Тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар ҳам қувончлидир. Ярим йилда уларга 366,1 млн. сўмлик кредитлар берилди. Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш мақсадида банк ўз маблағлари ҳисобидан 408,5. млн. сўм маблағ ажратди.

Мамлакатимизда баркамол авлод камолоти йўлида бирибиридан муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Бундай эзгу ишларда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг ҳам ўз ўрни бор. Уларнинг самараси банкнинг Самарқанд вилояти бўлими ва унинг филиаллари томонидан 2010 йилнинг ўтган даврида ёш оилаларга ипотека, истеъмол ва микрокредитлар ажратишда ҳам яққол ўз ифодасини топди. Аниқроғи, ипотека кредитларининг ажратилиши 109,1 фоизга, истеъмол кредитлари 102,6 фоизга, микрокредитларнинг ажратилиши режаси эса 112,2 фоизга бажарилди. Ёш оилаларга берилган жами кредитлар миқдори 597 млн. сўмни ташкил этиб, умумий кўрсаткичларнинг бажарилиши бўйича 2010 йил 6 ойи учун ўрнатилган режа 107,7 фоизга уддаланди.

Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш учун беш ой мобайнида 22 та лойиҳани амалга ошириш мақсадида жами 6.4 млрд. сўмлик, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш учун 12 та лойиҳага 3.8 млрд. сўмлик кредитлар банк томонидан ажратилган.

Президентимизнинг 2007 йил 9 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги Инвестиция дастури тўғрисида"ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида банкнинг Самарқанд вилояти бўлими 2008 — 2010 йил давомида Хитой Давлат Тараққиёт банкининг кредит линияси маблағи ҳисобидан бир неча корхоналарга ускуналар сотиб олиш учун инвестицион кредитлар ажратди.

### Амалий ишлар — рақамларда

Айни пайтда банк томонидан Хитой кредит линияси маблағи ҳисобидан жами 11 та лойиҳани амалга ошириш учун зарурий ишлар олиб борилмоқда. Кўриб чиқилаётган лойиҳалар қиймати 4 416 минг АҚШ долларини ташкил қилмоқда. Жумладан, 2010 йил 1 июль ҳолатида 5 лойиҳа учун жами 1 907 минг АҚШ доллари миқдорида инвестицион кредитлар ажратилди.

Жорий йилнинг май ойида Республика тижорат банклари раҳбарларининг Самарқанд вилояти тадбиркорлари билан ўтказган учрашуви йиғилиши чора-тадбирлари режасига асосан "Стеклопластик" очиқ акциядорлик жамиятига айланма маблағларини тўлдириш учун 400 млн. сўм миқдорида кредит берилди.

Мазкур корхонага қарашли "Мебель-Стандарт" корхонасига 300 млн. сўм миқдорида кредит ажратилди ва корхона бугунги кунда ишлаб чиқариш фаолиятини тўла йўлга қўйди. "Оқтош мева" қўшма корхонасига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш мақсадига 800 млн. сўм миқдорида кредит ажратиш бўйича кредит ҳужжатлари расмийлаштирилди.

### Бўш пул маблағлари — омонатга

Президентимизнинг 2009 йил 6 апрелдаги "Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида амалга оширилаётган ишлар кўлами ҳам анча кенг. Бу борада энг аввало, аҳоли ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилаётгани эътиборлидир. 2010 йилнинг 1 июль ҳолатига миллий валютада ва хорижий валютанинг сўмдаги эквивалентида жами 22,9 млрд. сўмлик талаб қилиб олгунча ва муддатли аҳоли омонатлари жалб қилинди. Аҳоли омонатлари 2010 йилнинг 1 январига нисбатан 3,4 млрд. сўмга оширилди.

Нақд пул тушумини кўпайтириш мақсадида банк бўлими томонидан 2010 йилнинг март ойида Пастдарғом ва Ургут туманлари бозорларида 2 та махсус касса фаолияти йўлга қўйилган эди. Ҳозирги кунда эса ушбу йўналишда 9 та махсус кассалар фаолият кўрсатаяпти.

### Пластик ҳамён афзаллиги

Маълумки, 2004 йилнинг 24 сентябрида Вазирлар Маҳкамасининг "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 2006 йил 3 августдаги Президентимизнинг "Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари эълон қилинган эди. Мазкур қарорларнинг ижросини таъминлаш борасида ўтган йилларда банк томонидан талайгина ижобий ишлар амалда бажарилди. 2010 йилнинг 1 июль ҳолатида 133 минг дона пластик карточкалар эмиссияси режалаштирилган эди. Ҳақиқатда эса 138 655 та, яъни режалаштирилганидан 5 655 донага кўп, 2010 йилнинг 1 январига нисбатан эса банк томонидан 35 791 дона пластик карточкалар қўшимча эмиссия қилинган. Амалиёт бошқармаси ва туман филиаллари орқали савдо ва аҳолига хизмат кўрсатиш ташкилотларига 432 та савдо терминаллари ўрнатилди. Савдо терминаллари орқали 2010 йил 6 ойи давомида 25,4 млрд. сўмлик савдо айланмаси амалга оширилди.

Қисқаси, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Самарқанд вилояти бўлими ва унинг филиалларида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида мижозларга хизмат кўрсатиш савияси яхшиланиб бораяпти. Бу эса аҳоли турмуш фаровонлигининг, қишлоқ турмуш тарзининг янада яхшиланишига хизмат қилаяпти.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Янги қувватлар ишга туширилди

***Наманган вилоятида қурилиш индустриясининг асоси бўлган ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналар сони кейинги пайтда яна 7 тага кўпайди.***

Уларнинг йиллик умумий ишлаб чиқариш қуввати 39 миллион донага тенг бўлиб, эндиликда қурилиш иншоотларини мазкур ашё билан таъминлаш ишлари янада яхшиланди.

Энг муҳими, янги ишга туширилган корхоналар энергия тежайдиган замонавий минитехнологиялар билан таъминланган. Натижада маҳсулот таннархи ҳам бирмунча арзонга тушмоқда. Шу боисдан Косонсой туманида фаолият бошлаган "Истиқбол", Поп туманидаги "Муҳаммад Зебо Ғолибжон", Учқўрғондаги "Асадулло бунёдкор файз" сингари хусусий корхоналарда тайёрланаётган деворбоп материалларга берилаётган буюртмалар миқдори тобора ошиб бормоқда.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


Micros® Ўзбекистондаги расмий ҳамкори CAS Corporation (Жанубий Корея)

ТАРОЗИ
ТАРОЗИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ, ТАМҒАЛАШ УЧУН УСКУНАЛАР, ЎРАШ ВА ШТРИХКОДЛАШ.
БИЗ ДУНЁНИ ЎЛЧАЙМИЗ!




БОЗОРЛАР УЧУН МАХСУС ТАКЛИФ
CAS ТАРОЗИЛАРИ ФАҚАТ БИЗДА!
Тошкент шаҳри:
- Кичик Бешёғоч кўчаси, 86. Тел.: (998 71) 281-43-64, 281-47-24, факс (998 71) 281-43-65;
- С. Азимов кўчаси, 72-«А». Тел.: (998 71) 236-04-49, факс 232-06-85.
www.micros.uz; e-mail: micros@ucd.uz, scales@ucd.uz
Интернет-дўкон: www.shop.micros.uz
*Маҳсулот сертификатланган.*


## ТЕНДЕРГА ТАКЛИФ

**Сана — 2010 йил 28 июль.**
**Кредит рақами — 2191-UZB (SF) — «Умумтаълим мактабларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш» лойиҳаси.**
**Шартнома номи — Электрон ахборот-таълим ресурсларини етказиб бериш.**

**1.** Ушбу тендерга таклиф Осиё тараққиёт банкининг 2005 йил 8 ноябрдаги «ОТБ бизнес имкониятлари» 1-сонли нашридаги умумий харид эълони асосида тайёрланди.
**2.** Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги «Умумтаълим мактабларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш» лойиҳасини молиялаштириш мақсадида Осиё тараққиёт банкининг 2191-ЎЗБ(МФ)-сонли кредити маблағларини жалб этган ва ушбу маблағлар ҳисобидан республика умумтаълим мактаблари учун электрон ахборот-таълим ресурсларини харид этишни режалаштирган.
**3.** Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги лаёқатли иштирокчилардан электрон ахборот-таълим ресурсларини етказиб бериш бўйича муҳрланган тендер таклифларини қабул қилади.

L01 - Электрон дарсликларини (ЭД) етказиб бериш — 6-синф ўқувчилари учун она тили (таълим қорақалпоқ тилидаги мактаблар учун).
L02 - ЭД етказиб бериш — 7-синф ўқувчилари учун она тили (таълим қорақалпоқ тилидаги мактаблар учун).
L03 - ЭД етказиб бериш — 8-синф ўқувчилари учун ўзбек тили (таълим рус ва қардош тиллардаги мактаблар учун).
L04 - ЭД етказиб бериш — 8-синф ўқувчилари учун қорақалпоқ тили (таълим қорақалпоқ тилидаги мактаблар учун).
L05 - ЭД етказиб бериш — 9-синф ўқувчилари учун қорақалпоқ тили (таълим қорақалпоқ тилидаги мактаблар учун).
L06 - Мультимедиа электрон таълим ресурсларини (МЭТР) етказиб бериш — 6-синф ўқувчилари учун физика фанидан лаборатория ишлари.
L07 - МЭТР етказиб бериш — 7-синф ўқувчилари учун физика фанидан лаборатория ишлари.
L08 - МЭТР етказиб бериш — 8-синф ўқувчилари учун физика фанидан лаборатория ишлари.
L09 - МЭТР етказиб бериш — 9-синф ўқувчилари учун физика фанидан лаборатория ишлари.
L10 - МЭТР етказиб бериш — 6-синф ўқувчилари учун биология фанидан лаборатория ишлари.
L11 - МЭТР етказиб бериш — 7-синф ўқувчилари учун биология фанидан лаборатория ишлари.
L12 - МЭТР етказиб бериш — 8-синф ўқувчилари учун биология фанидан лаборатория ишлари.
L13 - МЭТР етказиб бериш — 9-синф ўқувчилари учун биология фанидан лаборатория ишлари.
L14 - МЭТР етказиб бериш — 7-синф ўқувчилари учун химия фанидан лаборатория ишлари.
L15 - МЭТР етказиб бериш — 8-синф ўқувчилари учун химия фанидан лаборатория ишлари.
L16 - МЭТР етказиб бериш — 9-синф ўқувчилари учун химия фанидан лаборатория ишлари.
Маҳсулотларнинг тўлиқ тафсилотлари тендер ҳужжатларида келтирилган.

**4.** Маҳаллий тендер савдолари Осиё тараққиёт банкининг **бир босқичли: икки конвертли** тендер ўтказиш тартиб-қоидалари асосида ўтказилади. Тендерда ОТБ аъзоси бўлган мамлакатлардан бўлган корхона ва ташкилотларгина иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.
**5.** Тендерда қатнашишга ҳақли бўлган корхона ва ташкилотлар юқоридаги маҳсулотларни етказиб бериш бўйича тендер ҳужжатларини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига ушбу эълоннинг охирида келтирилган манзил бўйича **соат 9.00 дан 17.00 гача** душанбадан жумагача мурожаат этишлари мумкин.
**6.** Тендер ҳужжатлари инглиз ва ўзбек тилларида бўлиб, иштирокчилар уларни ушбу эълоннинг охирида келтирилган манзилга ёзма ариза билан мурожаат этганда ва **250 000 (икки юз эллик минг) сўм** маблағни ёки ушбу маблағнинг АҚШ долларидаги қийматини қуйидаги банк реквизитларига ўтказганидан кейин олишлари мумкин:
<u>сўмда тўлаш учун:</u>
Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси ТИА МБ Марказий амалиёт бўлими, х/р: 20203000400101044008, МФО: 00882, СТИР: 202122808.
<u>АҚШ долларида тўлаш учун:</u>
Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси ТИА МБ Марказий амалиёт бўлими, х/р: 20203840800101044005, МФО: 00882, СТИР: 202122808.
**7.** Хорижий қатнашчилар тендер ҳужжатларини харид қилиш учун 250 000 (икки юз эллик минг) сўм маблағнинг АҚШ долларидаги эквивалентини тўлов амалга оширилган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича юқорида келтирилган ҳисоб рақамга ўтказиб бериши лозим. Тендер ҳужжатлари ушбу эълоннинг охирида келтирилган манзилдан олиниши мумкин.
**8.** Барча таклифлар ушбу эълоннинг охирида келтирилган манзилга 2010 йил 30 август куни соат 15.00 дан кеч қолмасдан топширилиши шарт. Таклифларда ҳар бир лот учун 500 000 (беш юз минг) сўм миқдоридаги таклиф кафолати бўлиши шарт. Яъни агар қатнашчи ҳамма лотлар учун таклиф топширса, 8 000 000 (саккиз миллион) сўм миқдорида таклиф кафолати тақдим этиши зарур. Хорижлик қатнашчиларнинг таклиф кафолатлари юқорида келтирилган миқдорларнинг таклиф кафолати санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича АҚШ долларидаги эквивалентида бўлиши лозим. Кечиккан таклифлар рад этилади. Таклифлар қатнашишни истаган иштирокчилар вакиллари иштирокида 2010 йил 30 август куни Халқ таълими вазирлиги биносида соат 15.30 да очилади.
**9.** Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги иштирокчилар томонидан тендер таклифини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган харажатларга жавобгар эмас.

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги,**
**Азизхон Акрамов, лойиҳа менежери,**
**Мустақиллик майдони, 5-уй, 1-қават, 108-хона, Тошкент шаҳри, 100078.**
**Телефон: (998-71) 239-48-02. Факс: (998-71) 239-48-03.**
**Электрон манзил: ictbep@uzpak.uz**

## INVITATION FOR BIDS

**July 28th 2010**
**ADB Loan No. 2191 - UZB (SF)**
**INFORMATION AND COMMUNICATIONS TECHNOLOGY IN BASIC EDUCATION PROJECT.**
**SUPPLY OF ELECTRONIC EDUCATIONAL RESOURCES FOR BASIC EDUCATION SCHOOLS.**

**1.** This Invitation for Bids follows the General Procurement Notice for this Project that appeared in the "ADB Business Opportunities", issue No.1 of 8th November 2005.
**2.** The Republic of Uzbekistan has received a loan from the Asian Development Bank (ADB) toward the cost **of the Information and Communications Technology in Basic Education Project**, and it intends toapplypart of the proceeds of this loan topayments under the contract for the **Supply of Electronic Educational Resources for Basic Education Schools**.
**3.** The Ministryof Public Education of the Republic of Uzbekistan now invites sealed Bids from the eligible Bidders for the Supplyof Electronic Educational Resources.

L01 - Supplyof Electronic Textbooks (ET)–Mother Language for education in Karakalpak language schools-6th grade
L02 - Supplyof ETs – Mother Language for education in Karakalpak language schools-7th grade
L03 - Supplyof ETs – Uzbek Language for education in Russian or allied languages schools-8th grade
L04 - Supplyof ETs – Karakalpak Language for education in Karakalpak language schools-8th grade
L05 - Supplyof ETs – Karakalpak Language for education in Karakalpak language schools-9th grade
L06 - Supplyof Multimedia Electronic Educational Resources (MEER) – Laboratoryworks on Physics - 6th grade.
L07 - Supplyof MEERs – Laboratoryworks on Physics - 7th grade.
L08 - Supplyof MEERs – Laboratoryworks on Physics - 8th grade.
L09 - Supplyof MEERs – Laboratoryworks on Physics - 9th grade.
L10 - Supplyof MEERs – Laboratoryworks on Biology - 6th grade.
L11 - Supplyof MEERs – Laboratoryworks on Biology - 7th grade.
L12 - Supplyof MEERs – Laboratoryworks on Biology - 8th grade.
L13 - Supplyof MEERs – Laboratoryworks on Biology - 9th grade.
L14 - Supplyof MEERs – Laboratoryworks on Chemistry - 7th grade.
L15 - Supplyof MEERs – Laboratoryworks on Chemistry - 8th grade.
L16 - Supplyof MEERs – Laboratoryworks on Chemistry - 9th grade.
Details and specifications are provided in the Bidding Documents.

**4.** National Competitive Bidding will be conducted in accordance with ADB's **Single Stage: Two - Envelope** procedure and is open toall Bidders from the eligible countries.
**5.** Interested eligible Bidders mayobtain further information from the Ministryof Public Education of the Republic of Uzbekistan and inspect the Bidding Document at the address given bellow, from **9:00 am to 5:00 pm, from Monday to Friday**.
**6.** The Bidding Document, in Uzbek and English languages, maybe purchased bythe interested Bidders on the submission of a written application tothe address given bellow and upon payment of a non-refundable fee of **250000 UZS** (twohundred and fiftythousand Uzbeks Sums) or equivalent amount in USD tothe following bank accounts:
<u>For payments in local currency:</u>
Bank Account No.20203000400101044008
Bank Code: 00882, ID No. 202122808
Central Operational Department of National Bank for Foreign Economic Activities
<u>For payments in USD:</u>
Bank Account No.20203840800101044005
Bank Code: 00882, ID No.202122808
Central Operational Department of National Bank for Foreign Economic Activities
International bidders shall paythe equivalent of **250000 UZS** (twohundred and fiftythousand Uzbeks Sums) in USD at the exchange rate established by the Central Bank of the Republic of Uzbekistan on the date of execution of the payment. The method of payment shall be a direct deposit tothe specified account. The Bidding Documents can be picked up at the address given bellow.
**7.** Bids must be delivered tothe address given bellow at or before **3:00 pm** Tashkent time on **30th August 2010**. A Bid securityshall be required. All Bids must be accompanied bya Bid Securityin the amount of 500,000 (five hundred thousand) sums for each lot. Thus for all lots the Bid securitymust be in the amount of 8,000,000 (eight million) UZS. International Bidders' Bid Securitymaybe in USD at the exchange rate established bythe Central Bank of the Republic of Uzbekistan on the date of issue of the Bid Security. Late bids shall be rejected. Bids will be opened in the presence of the Bidders' representatives whochoose toattend at **3:30 pm** on **30th August 2010** at the address given bellow.
**8.** The Ministryof Public Education of the Republic of Uzbekistan will not be responsible for any costs or expenses incurred byBidders in connection with the preparation or deliveryof Bids.

**The Ministry of Public Education of the Republic of Uzbekistan**
**A.Akramov, Project Manager**
**1st Floor, Room 108, 5 Mustakillik sq., Tashkent, 100078, Republic of Uzbekistan**
**Telephone: (998-71) 239-4802, Fax: (998-71) 239-48-03**
**E-mail: ictbep@uzpak.uz**

***Пойтахтимизнинг Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида таълим сифатининг баркамол авлод камолотидаги ўрнига бағишланган республика ўқув-семинари бўлиб ўтди.***

# ТАЪЛИМ СИФАТИ — АСОСИЙ МАҚСАД

**Тадбир**

"Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида Республика Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ташаббуси билан ташкил этилган ушбу анжуманга Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги умумий ўрта таълим мактабларининг илғор ўқитувчилари, методика марказлари раҳбарлари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари, шунингдек, педагогика соҳасида изланиш олиб бораётган тадқиқотчилар таклиф этилди.

Анжуманда сўзга чиққанлар Президентимиз раҳнамолигида соҳада туб ислоҳотлар олиб борилаётгани, "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ, мамлакатимизда жаҳон андозаларига мос ўқув даргоҳлари барпо этилаётгани, барча ўқув муассасалари замонавий ўқув дастгоҳлари билан таъминлангани ва ана шу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, соҳада таълим сифати ва самарадорлиги ошиб бораётганини эътироф этдилар.

Икки кунлик семинарда умумий ўрта таълим ва ўрта махсус касб-ҳунар таълимининг узвийлаштирилган давлат таълим стандартлари шарҳлари, ўқув дастурлари, инновацион технологияларнинг мазмуни ва уларни ўқув жараёнига татбиқ этиш, "Устоз-шогирд" мактаби фаолияти самарадорлигини ошириш, ўқув-тарбиявий жараёнларига ахборот-коммуникация, мультимедия воситалари ҳамда электрон дарсликларни кенгроқ жорий этиш каби масалалар ҳам муҳокама этилди.

**Жаҳонгир МУСАЕВ.**

"Ўзбеккино" Миллий агентлиги, Ўзбекистон Киноарбоблар бирлашмаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, кинематография соҳаси фахрийси
**Анвархўжа Бўриевич ЁҚУБХЎЖАЕВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Ўқитувчи" нашриёт-матбаа ижодий уйи жамоаси нашриётнинг нафақадаги фахрийси
**Ботир ЁҚУБОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институти жамоаси кадрлар бўлимининг бошлиғи Адибахон Шариповага волидаи муҳтарамаси
**МУНАВВАР аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

"O`zbekiston" телерадиоканали жамоаси ходимлар бўлими бош мутахассиси Вазира Қаландаровага падари бузруквори
**ИБРОҲИМ отанинг**
вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Бирлашган касаба уюшма қўмитаси Халқаро иқтисодиёт факультети декани ўринбосари Икром Аҳмедовга ўғли
**Миржалол АКРАМОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

"O`zbekiston" телерадиоканали жамоаси "Ахборот информацион эшиттиришлар" муҳарририяти продюсери Қудрат Аҳмедовга волидаи муҳтарамаси
**Римажон САЛАЕВАнинг**
вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

**Мамлакатимизда навқирон авлодни ҳар томонлама соғлом вояга етказиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Хусусан, турли сабабларга кўра, ота-онасининг қарамоғисиз қолган, шунингдек, ногирон оилалар, кам таъминланган хонадонлар фарзандлари алоҳида эътиборда. Бухоро шаҳридаги 32-Меҳрибонлик уйида ана шундай ўғил-қизларнинг 89 нафари тарбияланмоқда.**

# МЕҲР-ОҚИБАТ МАСКАНИ

Ғамхўрлик

— Болалигим шу Меҳрибонлик уйида кечди, — дейди спортнинг оғир атлетика тури бўйича 2009 йилда Тошкент шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионати ғолиби Юлдуз Суфитдинова. — Бу ерда тарбиячиларнинг оналик меҳрларини ҳис этиб вояга етдим. Юртбошимизнинг масканимизга ташриф буюрганлари ҳам худди ҳозиргидек эсимда. Шундай эътибор, ғамхўрликка жавобан эл-юртга муносиб фарзанд бўлиш мақсади билан яшаяпман. Спорт соҳасидаги ютуқларимга айнан шу ерда пойдевор қўйилган, деб ҳисоблайман.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Дарҳақиқат, масканда ўғил-қизларнинг ҳар томонлама соғлом вояга етишлари учун барча қулайлик яратилган. Спорт майдончаси, компьютер хонаси, кутубхона, ижтимоий мослашув, дам олиш, маънавият, тиббиёт хоналари улар хизматида. Тарбияланувчилар кунига тўрт маҳал иссиқ овқат билан таъминланган. Улар саломатлиги эса доимий назоратда.

Яна бир жиҳатга эътиборни қаратиш жоиз. Маскан тарбияланувчилари Бухоро шаҳридаги 8-ўрта умумтаълим мактабида таҳсил олишмоқда. Бу эса уларга оила муҳитини ҳис этиш имконини бермоқда. Қолаверса, мактаб, маҳалла ва Меҳрибонлик уйи концепцияси асосида ҳамкорлик йўлга қўйилган. "Бола борки, олам мунаввар", "19 ёшинг муборак, мустақил диёр!", "Меҳр бериб, баҳра оламиз" мавзуидаги тадбирлар, Баркамол авлод йили муносабати билан ўтказилаётган интеллектуал ўйинлар, иншолар танловлари, бадиий кечалар болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишда, уларнинг билим ва дунёқарашини бойитишда қўл келаяпти.

— Бизда тарбияланувчиларнинг барчаси тўгаракларга жалб этилган, — дейди Меҳрибонлик уйи директори, "Меҳнат шуҳрати" ордени соҳиби С. Шарипова. — Айниқса, кандакорлик, тасвирий санъат, каштачилик, бичиш-тикиш тўгараклари машғулотларига қизиқиш катта. Тарбияланувчиларимиз вилоят, республика миқёсидаги турли кўрик-танловларда фаол иштирок этиб келишаяпти. Масканимиз 2009 йилда ўтказилган "Энг яхши Меҳрибонлик уйи" кўрик-танловининг республика босқичида "Энг обод, энг кўркам Меҳрибонлик уйи" номинацияси билан тақдирланди.

Бугунги кунда "Бухоро", "Семурғ" каби мажмуаларга мунтазам қатнаб, спортнинг у ёки бу тури билан жиддий шуғулланаётган ёшлар орасида Меҳрибонлик уйининг кўплаб тарбияланувчиларини кўриш мумкин. Улар орасида яқин-яқингача саккиз ёшли Олег Лангаев ҳам бор эди. Республика миқёсидаги мусобақаларда ўз тенгқурларидан ажралиб турган Олег Тошкент шаҳридаги "Бунёдкор" спорт мактаби мутахассислари назарига тушди. Эндиликда у пойтахтда яшаб, таҳсил олаяпти. Эртага ундан юлдуз даражасидаги футболчи чиқса, бундан Олегга оналик меҳрини берган тарбиячилар бениҳоя хурсанд бўлишади, албатта.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Спорт

***Самарқанд шаҳридаги Олимпия захиралари тайёрлаш марказида 5 ёшдан 12 ёшгача бўлган қизлар ўртасида спортнинг бадиий гимнастика тури бўйича "Жисмоний баркамоллик — гўзаллик рамзи" шиори остида ташкил этилган фестивалнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди.***

## Жисмоний баркамоллик — гўзаллик рамзи

Унда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан 150 нафардан зиёд спортнинг нафис турига меҳр қўйган қизлар иштирок этишди. Фестивалнинг қуйи босқичлари қатнашчиларининг сони минг нафардан ортиқ бўлганлиги эса бу ерда спортнинг мазкур турига қизиқиш ва эътибор нечоғли ошиб бораётганидан далолат беради.

Мусобақада Самарқанд Олимпия захиралари тайёрлаш маркази бадиий гимнастикачилари ғолиб чиқдилар ва фестивалнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ДЎСТЛИК ФЕСТИВАЛИ

**Юртимиз истиқлолининг 19 йиллиги муносабати билан Қашқадарё вилоятидаги миллий маданий марказлар томонидан «Ўзбекистон — ягона Ватан!» шиори остида дўстлик фестиваллари ўтказилмоқда.**

Тадбирларда миллий маданий марказларнинг фольклор-этнографик гуруҳлари, эстрада хонандалари, ашула ва рақс дасталари ҳамда яккахон қўшиқчилик санъати усталари ижросида концерт дастурлари намойиш этилаётир.

Касби тумани, Қамаши қишлоғида ўтказилган ана шундай тадбир дўстлик, ҳамжиҳатлик байрамига айланиб кетди. Унда мамлакатимизда миллатлараро аҳиллик, тотувлик, барча миллат вакилларининг тенг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланаётгани, уларга ғамхўрлик кўрсатилаётгани таъкидланди.

— Вилоятимизда ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек тотув ҳаёт кечирмоқда, — дейди Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги хорижий давлатлар билан дўстлик, маданий-маърифий алоқалар бўлими бошлиғи Салоҳиддин Умаров. — Миллий маданий марказлар турли миллатлар тарихини ўрганиш, она тили ва ёзуви, адабиёти, санъати, миллий урф-одатларини сақлаш ва ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Дўстлик фестиваллари ва бошқа тадбирларда ушбу марказларнинг бадиий гуруҳлари ҳамда ансамбллари ўз дастурлари билан фаол иштирок этмоқда. Бу, ўз навбатида, халқлар ва мамлакатлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Фестивалда касбилик ёш гимнастикачи қизлар, туман маданият ва спорт ишлари бўлими қошидаги бадиий гуруҳлар, туркман миллий маданий маркази қошидаги «Сарвиноз» фольклор-этнографик ансамбли чиқишлари намойиш этилди.

**А. МУҲАММАДИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ОБ-ҲАВО (29 июль)



**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 18-23, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 18-23, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 15-20, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 15-20, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 19-24, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Тунда 15-20, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 18-20, кундузи 34-36 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**


# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

**2010/2011 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН**
**ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА**
**МАГИСТРАТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

- *пул муомаласи ва монетар сиёсат;*
- *банк аудити;*
- *банк менежменти ва маркетинги;*
- *халқаро валюта-кредит муносабатлари;*
- *халқаро банк иши;*
- *кредит;*
- *инвестиция лойиҳалари таҳлили ва комплекс экспертизаси;*
- *лойиҳаларни молиялаштириш;*
- *давлат молиясини бошқариш;*
- *бюджетнинг ғазна ижроси;*
- *молия аудити;*
- *пенсия таъминоти;*
- *суғурта андеррайтинги ва ассистанси;*
- *суғурта актуарийси ва экспертизаси;*
- *қимматли қоғозлар бозори операциялари ва активлар секъюритизацияси;*
- *солиқлар ва солиққа тортиш.*

Академияга магистрантлар олий таълим муассасасини тугатгандан сўнг республика банк-молия, солиқ ва суғурта ташкилотларида икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган ҳамда камида бош мутахассис, бош иқтисодчи лавозимларида фаолият юритаётган мутахассислардан танлов асосида саралаб олинади.

**Қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**
- *банк, молия ва солиқ муассасалари раҳбарларининг тавсиянома-йўлланмалари;*
- *ариза (мутахассислик кўрсатилган ҳолда);*
- *олий маълумот ҳақидаги дипломнинг асл нусхаси (баҳолар иловаси билан);*
- *ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;*
- *меҳнат дафтарчасидан кўчирма;*
- *086 шаклидаги тиббий маълумотнома;*
- *3x4 см. ўлчамли 6 дона рангли фотосурат.*

Ҳужжатларни қабул қилиш 2010 йил 31 августгача Марказий банк, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси, республика бирлашмалари, хўжалик субъектлари ва саноат корхоналари орқали амалга оширилади.

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлик ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхалари шахсан кўрсатилади.

Академияга кирувчилар учун 2010 йил 3 сентябрдан 8 сентябргача кириш имтиҳонлари юзасидан консультациялар ташкил қилинади.

Конкурс танлови академиянинг қабул комиссияси томонидан рейтинг тизими бўйича суҳбат ва компьютерда тест синовлари натижалари асосида (ихтисослик йўналишлари бўйича алоҳида) ўтказилади.

**Ўқиш 2010 йил 4 октябрдан бошланади.**

**Манзил: Тошкент шаҳри, Ҳамидулла Орипов кўчаси, 16-уй.**
**Телефон: (8-371) 237-54-53. Факс: (8-371) 237-50-11.**
**Веб-сайт: www.bfa.uz**
**E-mail: info@bfa.uz**

676R/853



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
# ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

**академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун компьютер техникалари ва спорт асбоб-анжомларини харид қилиш бўйича**
**ТЕНДЕР САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

**Тендер савдолари қуйидаги лот ва лотостиларга бўлинади:**

**Лот № 1** — Ўқув компьютер синфи (ЎКС) ва ахборот-ресурс маркази (АРМ) учун компьютер техникаси.
**Лотости № 1.1** — Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун ЎКС етказиб бериш.
**Лотости № 1.2** — Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент вилояти, Тошкент шаҳри академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун ЎКС етказиб бериш.
**Лотости № 1.3** — Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун ЎКС етказиб бериш.
**Лотости № 1.4** — Республика академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ахборот-ресурс марказларига (АРМ) компьютер техникаси етказиб бериш.

**Лот № 2** — Спорт асбоб-анжомлари ва спорт тренажёрларини етказиб бериш:
**Лотости № 2.1** — Республика бўйича академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига спорт асбоб-анжомларини етказиб бериш.
**Лотости № 2.2** — Андижон, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Фарғона, Тошкент вилояти, Тошкент шаҳри академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига спорт тренажёрларини етказиб бериш.
**Лотости № 2.3** — Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун спорт тренажёрларини етказиб бериш.

**Тендер тури** — очиқ, икки босқичли, икки конвертли.

Тендерда Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган ишлаб чиқарувчилар ёки таъминотчилар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ташкилотлари ҳамда турли хил шаклдаги мулк эгалари ва юридик шахслар иштирок этиши мумкин.

Компьютер техникалари ва спорт асбоб-анжомларини харид қилиш бўйича **буюртмачи** — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази.
Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100095, Тошкент ш., 2-Чимбой к., 96-уй.
Телефонлар: (+998 71) 246-12-74, 246-12-40.
Факс: (+998 71) 246-12-40.
E-mail: sspo_taminot@mail.ru.
**Тендер комиссияси** ишчи гуруҳи — «O'zAloqaKonsalting» MChJ.
Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент ш.,
Олой к. (собиқ А.Толстой), 1-уй.
Телефонлар: (+99871) 221-31-11, 977-99-04, 221-88-94.
Факс: (+99871) 221-88-95.
E-mail: bikmetov@consalting.uz, valiev@consalting.uz.

Тендер иштирокчилари маълумот учун ишчи гуруҳга ҳар куни (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) тендер ҳужжатларини қабул қилиш муддати якунлангунга қадар маҳаллий вақт билан соат 10.00 дан 17.00 гача мурожаат қилишлари мумкин.

Тендер савдосида иштирок этиш ва ҳар бир тендер лотости ҳужжатларини олиш учун тендер комиссияси ишчи гуруҳи — «O'zAloqaKonsalting» MChJга мурожаат этиш мумкин.

**Ҳар бир лотости тендер ҳужжатининг нархи** — 600 000 (олти юз минг) сўм.

Тендер ҳужжатлари учун учинчи шахсларнинг тўлов ўтказиши тақиқланади. Тендер ҳужжатларининг ҳар бир лотости ҳужжатлари учун белгиланган тўловлар ишчи гуруҳга қайтариб бериш шартисиз тўланади.

Тендер ҳужжатлари учун тўлов ҳисоб рақами ва банк реквизитлари:
СТИР: 204694743, банк — АТ «Aloqabank», Тошкент шаҳри,
ҳисоб рақами: 20208000904288559001, МФО: 00401, ОКОНХ: 84500.

**Тендер бўйича харид қилинадиган максимал нарх:**
- ўқув компьютер синфи тўплами — 31 937 000 сўм;
- ахборот-ресурс маркази тўплами — 12 138 000 сўм;
- спорт тренажёрлари тўплами — 7 089 000 сўм;
- спорт асбоб-анжомлари тўплами — 5 358 000 сўм.

**Маҳсулот етказиб бериш шарти:**

**№ 1.1, № 1.2, № 1.3, № 1.4 лотостилар учун (ўқув-компьютер синфи, ахборот-ресурс маркази)** — буюртмачининг ўқув масканига ускуналарни етказиш хизмати, ўрнатиб бериш ва ишга тушириш, ўқув масканига бориб кафолатли хизмат кўрсатиш, 2 та мутахассисни ўргатиш;

**№ 2.1, № 2.2, № 2.3 лотостилар учун (спорт тренажёрлари, спорт асбоб-анжомлари)** — буюртмачининг омборига етказиб бериш шартини бажариш.

**Етказиб бериш муддати** — бирламчи тўлов тушган вақтдан бошлаб барча лотостилар учун тўлов вақти — 90 календарь куни.

**Молиялаштириш** — Ўзбекистон Республикаси Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказига ҳамда вилоятлар ўрта махсус касб-ҳунар бошқармаларига ажратиладиган республика ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан.

**Тендер таклифларининг кафолат миқдори** (гаров тўлов миқдори) ҳар бир лотости маҳсулотини етказиб бериш таклифи нархи миқдорининг 2 фоизини ташкил этади. Гаров тўлов миқдори буюртмачининг ҳисоб рақамига ҳар бир лотости учун алоҳида ўтказилади.

Гаров тўлов миқдорини ўтказиш учун банк реквизитлари:
Молия вазирлиги ғазначилиги,
ҳисоб рақами: 2340 2000 4001 0000 1006,
банк — Тошкент шаҳар Марказий банкнинг бош бошқармаси,
СТИР: 201 122 919, МФО: 00014.
Тўлов варақасида кўрсатилиши шарт:
ҳисоб рақами: 49 9910 2628 0950 0289 0002,
ЦССПО СТИР: 202 515 618.
Гаров тўлов миқдорини киритиш ва лотости номи.

Тендер иштирокчиси томонидан гаров тўлов миқдори тўланмаган ҳолатда унинг тендер таклифи кўриб чиқилмайди ва қайтариб берилади.

**Тендер таклифлари ишчи гуруҳ томонидан 2010 йил 30 август соат 17.00 гача қуйидаги манзилда қабул қилинади:**

**«O'zAloqaKonsalting» MChJ,**
**Ўзбекистон Республикаси, 100093, Тошкент шаҳри,**
**Юнусобод мавзеси, 5-даҳа, 7-уй, 1-хонадон.**
**Телефон: (+998 71) 221-31-11, 221-22-40, 977-99-04.**
**Факс: (+998 71) 221-88-95.**
**E-mail: valiev@consalting.uz, bikmetov@consalting.uz**

Тендер таклифлари ҳар бир лотости учун қабул қилинади ва рўйхатга олинади.

Малакавий танлов ўтказиш вақти ҳамда тендер иштирокчилари таклифлари бўлган конвертларни очиш муддати тендер комиссияси томонидан белгиланади.

698R/868



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 603. 40468 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — З. Ашурова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.50 Топширилди — 21.50 1 2 4 5